QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » oktabr № 594 Toshkent sh.

Киберхавфсизлик соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларда киберхавфсизликка масъул бўлган мутахассисларнинг кибертаҳдидларга қарши билим ва кўникмаларини шакллантириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Рақамли технологиялар вазирлигининг **2026 йил 1 ноябрдан** бошлаб “Cyber university” давлат университети томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларда (кейинги ўринларда – ташкилотлар) киберхавфсизликка масъул бўлган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг киберхавфсизликка масъул мутахассисларининг малакасини ошириш ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

ташкилотларнинг киберхавфсизликка масъул мутахассисларининг киберхавфсизлик соҳасидаги малакаси ҳар икки йилда камида бир маротаба оширилади;

киберхавфсизлик бўйича хорижий сертификатга эга мутахассислар сертификатнинг амал қилиш муддати давомида малака оширишга жалб этилмайди. Бунда республикада тан олинадиган киберхавфсизлик бўйича хорижий сертификатлар рўйхати ва уларнинг амал қилиш муддати Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тасдиқланади;

ташкилотлар раҳбарларининг рақамлаштириш ва сунъий интеллект масалалари бўйича масъул ўринбосарлари ўз ташкилотининг марказий аппарати, ҳудудий ва қуйи тизимларидаги киберхавфсизликка масъул барча мутахассисларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этишга масъул ҳисобланади;

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

киберхавфсизликка масъул ходимларнинг малакасини ошириш ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар уларни юборган ташкилот ёки юқори турувчи органнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йил 1 ноябрга қадар**:

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

киберхавфсизлик соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат таълим талабларини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 28 ” октябрдаги 594-сон қарорига
илова

Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг киберхавфсизликка масъул мутахассислари малакасини ошириш ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Cyber university” давлат университетида (кейинги ўринларда – Университет) давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг киберхавфсизликка масъул мутахассислари малакасини ошириш ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

буюртмачи – қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида мутахассисларнинг таълим олишини ташкил этиш учун мурожаат қилган юридик шахс;

малака ошириш – соҳада замон талабига жавоб берадиган билим ва кўникмаларни ёритишга қаратилган тегишли ўқув дастурларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, мутахассисларнинг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали уларнинг касбий билим ва маҳорати оширилишини таъминлашга қаратилган ўқитиш шакли;

масофавий таълим шаклида ўқиш – ўқув дастурларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, онлайн (реал вақт режимида) ҳамда офлайн (видеомаърузалар, мавзуга доир маърузалар матни, амалиёт материаллари таҳлили, кичик назорат ишини бажариш орқали тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) тарзда ўзлаштириш;

қайта тайёрлаш – киберхавфсизлик ва рақамли технологиялар соҳаларида халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида зарур назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштириш орқали мутахассисларни янги касбий фаолиятга йўналтиришга қаратилган ўқитиш шакли;

тингловчи – малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган жисмоний шахс;

ўқув дастури – ўқув курсининг таълим мазмунини, унинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишининг мақсадга мувофиқ усулларини ташкил этишни назарда тутадиган, ахборот манбаи бўлган, киберхавфсизлик ва рақамли технологиялар йўналишларидаги мутахассисликлар бўйича малака талаблари, ўқув курсининг асосий мазмуни ва методик тузилишини аниқлаб берувчи асосий меъёрий ҳужжат;

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

ўқув режаси – блоклар ва ўқув фанлари (курслар)нинг номларини, уларни ўзлаштириш учун ажратилган соатлар ҳажмини ҳамда тингловчиларнинг билимларини назорат қилиш шаклларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат.

3. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг малака талаблари, ўқув режаси ва дастурлари тегишли касбий стандартлар ҳамда хорижий тажриба асосида Университет томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Таълим жараёни тасдиқланган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади.

4. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари қуйидаги муддатларда белгиланган тартибда ўтказилади:

малака ошириш курсларининг давомийлиги – 144 соат;

қайта тайёрлаш курсларининг давомийлиги – 576 соатдан кам бўлмаган ҳажмда.

5. Университетда ташкил этиладиган курсларда аудитория ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми, қоида тариқасида, ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

6. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчининг асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган (масофавий) ҳолда ташкил этилади.

7. Аудитория машғулотлари барча турларининг давомийлиги Университет томонидан белгиланади, лекин у 80 дақиқадан ошмаслиги ва ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус 10 дақиқадан кам бўлмаслиги лозим.

8. Университет малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича сертификатлар ва дипломларнинг электрон ҳисобини юритиш юзасидан масъул ҳисобланади.

2-боб. Малака ошириш курсларини ташкил этиш

9. Малака ошириш курсларида ўқиш муддати Университет билан келишилган ҳолда, буюртмачи томонидан тасдиқланадиган таълим олувчиларнинг малака ошириш курслари вақти, шакли ва йўналиши кўрсатилган тақсимот-режаларга мувофиқ Университет томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурлари асосида ташкил этилади ҳамда ўқув машғулотлари жадвали бўйича амалга оширилади.

10. Буюртмачи томонидан тақсимот-режалар ярим йил учун тузилади ҳамда ҳар йили июнь ва декабрь ойининг 15-санасига қадар тасдиқланиб, Университетга тақдим этилади.

11. Тингловчилар малака ошириш курсларида Университет билан тузиладиган шартномага мувофиқ тўлов асосида ўқитилади.

Малака ошириш курсларида ўқиш учун тўлов миқдори асосланган калькуляцияга мувофиқ Университет томонидан белгиланади.

12. Буюртмачи тақсимот-режаларга асосан ўқиши белгиланган ходимларининг малака ошириш курсларида қатнашишини таъминлайди.

Ходим меҳнат таътили ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида малака ошириш курсларига жалб қилинмайди.

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

Малака ошириш курсларида ишдан ажралган ҳолда ўқиш давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласи меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

13. Малака ошириш курсларига тингловчилар ўқишга қабул қилингани тўғрисида Университет ректорининг буйруғи қабул қилинади.

Университет тингловчиларнинг малака ошириш курсларига ўз вақтида келмагани ёки уларда қатнашмагани ҳақида буюртмачига хабар беради.

14. Буюртмачининг сўровига мувофиқ ўқув машғулотлари ходимларнинг иш жойида ташкил этилиши мумкин.

15. Малака ошириш курсларига узрли сабабларга (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, давлат ёки жамоат вазифаларини бажаргани, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этгани, вақтинча хорижий сафарда бўлгани, яқин қариндошининг вафоти) кўра ўз вақтида келмаган тингловчиларга ўқишнинг тегишли йўналиши бўйича навбатдаги малака ошириш курсларида ўқишга рухсат берилади.

16. Малака ошириш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча назорат турларида ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

17. Малака ошириш курслари ўқув дастурига мувофиқ белгиланган мавзулар (модуллар) бўйича якуний синов имтиҳонини топшириш билан якунланади.

Малака ошириш курслари бўйича якуний синов имтиҳонини ўтказиш шакли ва саволлар мажмуи Университет томонидан белгиланади.

18. Малака ошириш курсларини тамомлаб, якуний синов имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчиларга мазкур Низомга 1-иловада белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Сертификат электрон генерация қилинган ва электрон имзо ёки унинг муқобил шаклдаги ҳужжатни тасдиқловчи воситалар (QR-код) билан тасдиқланган ҳужжат (сертификат) шаклида ҳам берилиши мумкин.

19. Якуний синов имтиҳонидан биринчи маротаба ўта олмаган тингловчига, шунингдек, узрли сабабларга (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги, давлат ёки жамоат вазифаларини бажаргани, республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этгани, вақтинча хорижий сафарда бўлгани, яқин қариндошининг вафоти) кўра якуний синов имтиҳонини топширмаган тингловчига келгуси малака ошириш курси якунида, бироқ якуний синов имтиҳони натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирмаган ҳолда якуний синов имтиҳонини бир маротаба қайта топширишга рухсат берилади.

Якуний синов имтиҳонини қайта топширишда ҳам ўта олмаган тингловчига сертификат берилмайди. Бу ҳолда тингловчига малака ошириш курсида қатнашгани тўғрисида маълумотнома берилади.

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

20. Буюртмачи якуний синов имтиҳонини қайта топширишда ҳам ўта олмаган тингловчини, башарти унинг вазифаси ўзгармаган тақдирда, натижалар эълон қилинган кундан бошлаб олти ой муддатда малака ошириш курсида қайта ўқитишни ёки киберхавфсизликка оид вазифалар юкланган тегишли ходимни юборишни таъминлайди.

Бунда малака оширишнинг навбатдаги икки йиллик муддати тингловчи малака ошириш курсини муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган санадан бошлаб ҳисобланади.

3-боб. Қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш

21. Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ўз мутахассисларини киберхавфсизлик соҳасида қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажмини эгаллаши учун қайта тайёрлаш курсларида ўқишга юбориши мумкин.

Қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни Университет ректори томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва дастурлари асосида ўқув машғулотлари жадвали бўйича амалга оширилади.

22. Тингловчилар қайта тайёрлаш курсида Университет ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ тўлов асосида ўқитилади.

23. Буюртмачи тўловни тўлагандан сўнг Университет ректорининг буйруғи билан тингловчи қайта тайёрлаш курсига қабул қилинади.

24. Қайта тайёрлаш курсларида ишдан ажралган ҳолда ўқиш давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласи меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

25. Ўқув жараёни анъанавий (офлайн) ва масофавий (онлайн) таълим шаклида ташкил этилади.

Масофавий таълим шаклидаги ўқув курсларида ўқув жараёни махсус таълим платформаларида онлайн (реал вақт режимида) ва офлайн (тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимда ташкил қилинади.

26. Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида кўзда тутилган барча оралиқ назоратларда ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

27. Қайта тайёрлаш курсининг оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний синов имтиҳонига қўйилади.

Масофавий таълим шаклида ташкил этилган қайта тайёрлаш курсларида якуний синов имтиҳони тингловчининг бевосита иштирокида Университетда ўтказилади.

28. Қайта тайёрлаш курслари бўйича якуний синов имтиҳонини ўтказиш шакли ва саволлар мажмуи Университет томонидан белгиланади.

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

29. Қайта тайёрлаш курсини тамомлаган ва якуний синов имтиҳонини муваффақиятли топширган тингловчиларга мазкур Низомга 2-иловада белгиланган намунадаги диплом берилади.

Якуний синов имтиҳонида қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга шартномада кўрсатилган тўловни тўлагандан сўнг фақат бир марта қайта топшириш имконияти берилади.

Якуний синов имтиҳонини қайта топширишда ҳам ўта олмаган тингловчига диплом берилмайди. Бу ҳолда тингловчига қайта тайёрлаш курсида қатнашгани тўғрисида маълумотнома берилади.

4-боб. Тингловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

30. Тингловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўқув жараёнини янада яхшилаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Университет раҳбариятига таклиф ва тавсиялар киритиш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларда қатнашиш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумотлар ва маслаҳатлар олиш;

Университетнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналари ва компьютер техника воситаларидан фойдаланиш;

конференция, семинар ва амалий тренингларда иштирок этиш.

Тингловчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

31. Тингловчилар:

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ўқув режаси ва дастурлари асосида ўқиши;

ўқув машғулотларига ўз вақтида шахсан ўзлари иштирок этиши ва онлайн ўқув машғулотларида веб-камера орқали қатнашиши;

ўқув дастурларида назарда тутилган назорат турларини ва якуний синов имтиҳонларини топшириши;

ўз назарий билимларини, касбий кўникмалари ва маҳорат даражасини ошириши;

ўқув жараёнида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;

Университетга тегишли бўлган мол-мулкни асраб-авайлаши, Университет ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя этиши лозим.

Тингловчилар ўз зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

32. Тингловчи қуйидаги ҳолатларда тингловчилар сафидан чиқарилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқув интизоми ва Университет ички тартиб-қоидаларини мунтазам ёки қўпол равишда бузганда;

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

узрли сабабларсиз қайта тайёрлаш курслари бўйича ўқув машғулотларининг 15 фоиздан ва малака ошириш курслари бўйича ўқув машғулотларининг 20 фоизидан ортиқ соат қолдирганда;

тингловчига берилган логин ва паролни ҳамда шахсий кабинетини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бергани аниқланганда;

шартнома асосида ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганда;

соғлиғининг ҳолатига кўра ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаганда (тиббий комиссия хулосаси асосида);

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганда;

вафот этганда.

Тингловчи ушбу бандда назарда тутилган ҳолатларга кўра тингловчилар сафидан чиқарилган тақдирда, ушбу тингловчи учун тўланган тўлов қайтарилмайди.

5-боб. Якуний синов имтиҳонлари натижалари юзасидан апелляция бериш

33. Якуний синов имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган тингловчилар натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб беш иш куни мобайнида апелляция комиссиясига ариза (шикоят) беришлари мумкин.

34. Апелляция комиссияси Университет ректорининг буйруғи асосида 3 ёки 5 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

35. Апелляция комиссияси таркибига якуний синов имтиҳони жараёнларини ўтказишда иштирок этган шахслар киритилмайди.

36. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

37. Мурожаат этувчи апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқилиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин.

38. Апелляцияни кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

агар якуний имтиҳон жараёнларида Университет томонидан ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатлари содир этилмаган ёки якуний имтиҳон саволларида хатоликлар аниқланмаган бўлса, тўпланган балларни ўзгаришсиз қолдириш;

агар якуний имтиҳон жараёнларида Университет томонидан қонун бузилиш ҳолатлари содир этилган ёки якуний имтиҳон саволларида хатоликлар аниқланган бўлса, тўпланган балларни ўзгартириш;

агар якуний имтиҳон жараёнларида Университетнинг айби билан техник носозликлар вужудга келган бўлса, якуний синов имтиҳонини қайта ўтказиш.

39. Апелляция комиссияси қарори нусхаси ариза (шикоят) берувчига апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан уч кун муддатда тақдим этилади.

40. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

Тингловчилар апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

41. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари билан боғлиқ ҳужжатлар Университетда белгиланган тартибда сақланади.

42. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида
(устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан
ортиқ бўлган юридик шахсларнинг киберхавфсизликка
масъул мутахассислари малакасини ошириш
ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта
тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

НАМУНА

Малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат
ШАКЛИ

O‘zbekiston Respublikasi Davlat gerbi tasviri

Malaka oshirish haqida

SERTIFIKAT

MO №000000

_____
(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20_____-yil _____dan 20_____-yil _____gacha

“Cyber university” davlat universitetida jami ____ soatga mo‘ljallangan

_____ bo‘yicha malakasini oshirdi.
(malaka oshirish kursining nomi)

Muhr o‘rni (QR-код)

Direktor _____

Sana _____ Qayd raqami _____

QMMB: 09/26/594/1085-son
30.10.2026-y.

Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида
(устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан
ортиқ бўлган юридик шахсларнинг киберхавфсизликка
масъул мутахассислари малакасини ошириш
ва киберхавфсизлик соҳасида кадрларни қайта
тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги диплом
ШАКЛИ

O‘zbekiston Respublikasi Davlat gerbi tasviri

Qayta tayyorlash haqida

DIPLOM

QT №000000

_____

(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20_____-yil _____dan 20_____-yil _____gacha

“Cyber university” davlat universitetida jami ____ soatga mo‘ljallangan

_____

(qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta’lim olib, _____ bitiruv-malaka ishini _____ bahoga himoya qildi va qayta tayyorlash o‘quv kursini muvaffaqiyatli tamomladi.

Muhr o‘rni (QR-код)

Direktor _____

Sana _____ Qayd raqami _____

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1